

Искандархон ибн Жонибек Султон

(?-1583-й. 22-июн)
(1561-1583)

Шайбонийлар хони. Унинг онаси Тошкент хокими Султон Махмудхон (Бобурнинг тогаси)нинг кизи бўлган. Искандархон 15 ёшида Самарканд сугдига карашли Офаринкент (Миёнкол) ноҳиясида хокимлик қилган, отаси фавот этгач (1539-й.), Кармана хокими бўлган. 1561-йил Искандархон ўгли Абдулло султон (АбдуллахонII) Бухорони эгаллаб амакиси Пирмухаммад (Балх хокими) ўрнига отаси Искандархонни бутун ўзбекларнинг хони(хонлар хони) деб эълон қилган. Искандархон ёшлигида жангари, иродали киши бўлган эсада – кейинрок таквога жуда берилиб кетган. Шатиат ахкомларига тўла риоа қилган, лочин овига мохир бўлган, деярли давлат ишларига аралашмаган, шу сабабли Нисорий „Музаккири ахбоб“ни бош хонга эмас, АбдуллахонII га бағишлаган ва Искандар Султонни факат олий ҳукмдор сифатида мадх этган. У таникли тасаввуф олими, Махдуми Аъзам Косонийнинг мудир ва шогирди эди. Искандархонни дарвишлар подшоҳи (подшоҳи дарвишон) деб ҳам аташган.